

**УМАРОВ Оқил Омилжонович,**  
Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
«Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт  
назарияси» кафедраси ўқитувчиси

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

**УДК:338.984**

---

## **УМАРОВ О.О. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш омиллари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни дастурий ҳужжатларда акс эттириш билан боғлиқ назарий-услубий муаммолар баён этилган.

Таянч иборалар: рақобатбардошлик, барқарор ривожланиш, барқарор ўсиш, умумий омилли унумдорлик.

---

## **УМАРОВ О.О. ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА**

Статья направлена на изучение теоретических и практических проблем, связанных с определением факторов и условий повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана, а также в ней приводятся результаты изучения программных документов.

Ключевые слова: конкурентоспособность, устойчивое развитие, устойчивый рост, общая факторная производительность.

---

## **UMAROV O.O. ECONOMY OF UZBEKISTAN'S COMPETITIVENESS INCREASING FACTORS**

The article is discussed results of theoretical and practical issues of the factors competitiveness definition, as well the conditions of economy of Uzbekistan's competitiveness increasing. Also there are provided results of Programming documents study.

Keywords: competitiveness, sustainable development, sustainable growth and aggregate factor productivity.

**Фирмалар, тармоқлар, мамлакатлар рақобатбардошлиги муаммоси жаҳон иқтисодиётининг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки унга кўпгина омиллар, энг аввало, мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларининг ўзгариши, ишсизлик даражаси, мамлакат ёки корхонанинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни таъсир кўрсатади.**

Мазкур муаммонинг тадқиқоти билан халқаро институтлар (Умумжаҳон банки, ХМТ, ИХТТ), хорижий ва миллий олимлар<sup>1</sup> шуғулланмоқдалар. Бу муаммонинг аҳамияти, айниқса, ҳар бир мамлакат ҳуқуқи учун ўсиб бораётган глобал иқтисодий рақобат шароитида ошиб бормоқда. Рақобатбардошлик бугунги кунда глобаллашув билан узвий боғлиқ, чунки уни мазкур жиҳатлардан ташқарида аниқлаб бўлмайди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ўз товар ва хизматларининг рақобатбардошлигига устувор аҳамият бермоқда. Ҳозирги шароитда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, жаҳонда ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш учун жаҳон иқтисодиётида муносиб ўринни эгаллаш зарур.

Мазкур тадқиқотларнинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш омиллари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни дастурий ҳужжатларда акс эттириш билан боғлиқ назарий-услубий муаммоларни ўрганишдан иборат.

Ҳозирги замон тадқиқотлари натижаларининг таҳлили бугунги кунда тармоқлар ва корхоналар рақобатбардошлиги муаммосининг биринчи ўринга чиқаётганлигидан далолат беради. Машҳур иқтисодчи М.Портер «мамлакат рақобатбардошлиги» тушунчаси давлатнинг гуллаб-яшнаши учун ҳал қилувчи мустақил аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатиб берди. Чунки давлатнинг иқтисодиётдаги мақсади фуқароларга юқори турмуш даражасини таъминлашдир. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини товар-

лар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи аниқ корхоналар таъминлайди, корхона эса энг аввало, асосий рақобат устунликларига эришиши, яъни харажатларни камайтириши ва маҳсулотни табақалаштириши зарур<sup>3</sup>.

Бошқа томондан, жаҳон бозорида рақобат кучлилиги шароитида алоҳида корхонанинг муваффақияти мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш учун етарли эмас. Ҳатто энг янги технологияга эга бўлган алоҳида корхонага рақобат устунлигини сақлаш қийин, чунки у ишончли миллий етказиб берувчилар ва кучли рақобатчиларга боғлиқ. Ҳозирги вақтда жаҳон бозорида ўзаро боғлиқ тармоқлар кластерлари рақобатлашадилар. Шу сабабли Ўзбекистон рақобатбардошлиги моҳият жиҳатдан иқтисодиётнинг асосий тармоқларининг рақобатбардошлигига боғлиқдир.

Рақобатбардошлик муаммолари турли муаллифлар томонидан турли назарий ёндашувлар доирасида ўрганилган. Услубий тафовутлар бўлишига қарамай, миллий рақобатбардошлик давлат диққат-эътиборида турган иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан бири эканлиги этироф этилди. Мамлакатлар рақобатбардошлиги глобал омилларининг мазмунини тушуниш ва изоҳлаш учун М.Портер<sup>4</sup> ва В.Смитнинг<sup>5</sup> халқаро савдо ва инвестициялар назариясини ҳамда Ч.Киндлебергер<sup>6</sup> ва Дж.Тобиннинг<sup>7</sup> турли мамлакатлардаги тадбиркорлик фаолияти капиталнинг тафовутлар билан ҳаракатланишини изоҳлайдиган ҳамда инвестицияларнинг товарлар ҳаракати билан тўғридан-тўғри

<sup>1</sup> Говорова, Н. Конкурентоспособность — основной фактор развития современной экономики. // «Проблемы теории и практики управления», 2006, № 4. С. 24-29; Долгов, С.И. Глобализация экономики: новое слово или новое явление? — М.: «Экономика», 1998; Портер, М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. — М.: «Эксмо», 2005. —С. 54.

<sup>2</sup> Fischer, V. Globalization and the Competitiveness of Regional Blocks in Comparative. Hamburg: Perspective, 1998. —P. 16.

<sup>3</sup> Портер М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. — М.: «Эксмо», 2005. —С. 67.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 64-6.

<sup>5</sup> Smith, V. An Experimental Study of Competitive Market Behavior. // Journal of Political Economy, 1962. Vol. 70. P. 34-36.

<sup>6</sup> Kindleberger Ch. Foreign Trade and the National Economy. Yale: Prosp. of science, 1962

<sup>7</sup> Tobin J. Policies for prosperity: Essays in a Keynesian mode. New Haven: Waypoint, 1987

ҳаракатланишини боғламайдиган назарияларига кўпроқ мос келадиган назариялар деб ҳисоблаш мумкин. Бундай ёндашув жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш тенденцияларига тўла мос келади (жаҳон савдоси ўсишининг жаҳон ишлаб чиқариши ўсишига, инвестицияларнинг жаҳон савдоси ўсишига, жаҳон портфель инвестициялари ўсишининг тўғридан-тўғри инвестициялар ўсишига нисбатан илгарилаб кетиши).

Бу назарияларнинг долзарблигини қайд этган ҳолда уларнинг муаллифлари диққат-этиборидан глобал рақобатнинг асосий ҳолати, ривожланиш ижтимоий омилларини биринчи ўринга сурадиган мамлакат рақобати қандай ҳисобланиши четда қолишини кўшишимиз мумкин. Ҳар қандай молиявий ресурслардан энг кўп самарали фойдаланиш имконини берадиган «инновацияларнинг ҳаракатланиши» М.Портердаги рақобат устунликларининг олий шакли ҳисобланади<sup>1</sup>. Бироқ «инновациялар ҳаракатланиши» (илмий-тадқиқот, маркетинг ишланмалари, фирма ташкилоти ва ходимларининг ривожланиши) ортидан кўпинча фирманинг асосий ресурслари ҳисобланган инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқарадиган мамлакат ижтимоий соҳаси туради. Мазкур ресурслар фирма чегарасидан ташқарида такрор ишлаб чиқарилади, аммо фирманинг ривожланиш салоҳиятини белгилайдилар. Бу халқаро рақобатнинг ўзига хос мамлакат ресурслари бўлиб, улар глобал рақобатнинг асосий ресурсларини ўзида мужассамлаштиради, чунки ҳақиқатда фирмаларнинг рақобат кураши уларга эгалик қилиш ва ҳўжалик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқига ёйилади. Аммо бу ресурсни фирмалар эмас, балки мамлакатлар такрор ишлаб чиқарадилар. Айнан шунинг учун ҳам уни такрор ишлаб чиқариш, сўнгра эса бундай такрор ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш қобилияти – мамлакат глобал рақобатбардошлиги белгисидир. Ўзбекистон иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган мамлакат сифатида шу сингари мақсадларга эришишга ва шу орқали ўзининг рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатишга интилиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Портер М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. – М.: «Эксмо», 2005. – С. 68.

Фирма, тармоқ ва мамлакат рақобатбардошлигини қандай омиллар белгилашини аниқлашга уриниб кўрамыз. Бу ҳақда ҳам кўплаб назариялар мавжуд. Иқтисодий ривожланиш босқичлари моделига кўра, ривожланиш биринчи босқичидаги иқтисодиёт харажатлар бўйича устунликларни таъминлайдиган ишлаб чиқариш омилларига, иккинчи босқичда – ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайдиган инвестицияларга, учинчисида эса ноёб қийматни яратадиган инновацияларга таянади. Шундай қилиб, рақобатбардошлик учун инновацияларнинг муҳимлиги нисбатан анча илгари ўрнатилган, бироқ яқин вақтларгача улар рақобатбардошлик манбаларидан бири сифатидагина ўрганилди, холос. Скандинавиялик тадқиқотчилар айнан инновациялар иқтисодий ўсиш ва муваффақиятли савдонинг манбаи ҳисобланишини эътироф этадилар. Я.Фагерберг тадқиқотлар ва ишланмаларда<sup>2</sup> рақобатбардошликка инвестициялар қандай таъсир кўрсатишини ўрганди, Верспаген эса патентлар сонидан ифодаланган шу сингари инвестициялар натижаларини ўрганиб, унинг ишига бир нечта қўшимчалар киритди<sup>3</sup>. Инновациялар рақобатбардошлиликни анча оширади ва тармоқ ихтисослашувига таъсир кўрсатади, деган хулоса бу тадқиқотларнинг умумий натижаси бўлиб қолди.

Э.Вольф умумий омилли унумдорлик (УОУ) ва тармоқ ихтисослашуви кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатни тадқиқ этиб, муҳим ўзаро боғлиқликни аниқлади. У УОУнинг ўсиши бу тармоқ учун ўзига хос бўлган ишлаб чиқариш омилларининг ривожланишини рағбатлантириб, улар мазкур тармоқ таққослама устунлигининг ўсишини таъминлайди. Тадқиқотлар жараёнида УОУ юқори даражасини таъминлайдиган омиллар аниқланди. Агар фирма (ёки бир неча фирмалар) тадқиқотлар ва ривожланишга ҳамда юқори малакали ходимларни ўқитишга инвестициялар, технологиялар билан боғлиқ активларга эга бўлсалар, УОУнинг жадал ўсишини таъминлаш

<sup>2</sup> Fagerberg J. Technology and competitiveness // Oxford Review of Economic Policy. 1996. Vol 12. N3. P. 39—51.

<sup>3</sup> Fagerberg J. Technology, Growth and Unemployment across European Regions / J. Fagerberg, B. Verspagen, M. Caniels // Regional Studies. 1997. Vol. 31. N5. P. 457—466.

ва демакки, тармоқ рақобатбардошлигини ошириш учун муҳим таркибий қисм ҳисобланади<sup>1</sup>.

Я.Фагербергнинг тадқиқотлари рақобатбардошлиликка қандай омиллар кўпроқ таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадини кўйди. Муаллиф куйидаги омилларни ўрганди: тадқиқотларга тўғридан-тўғри инвестициялар; хорижий етказиб берувчиларда товарларни қўлга киритиш воситасида амалга ошириладиган тадқиқотларга билвосита инвестициялар; ўртача иш ҳақи; жисмоний капиталга инвестициялар ва ички бозордаги талаб ҳажми. 10 та мамлакатдаги 22 та тармоқни ўрганиш натижасида тахминларга хилоф равишда ички бозор кўламли рақобатбардошлиликка, иш ҳақиға ҳам таъсир кўрсатмайди. Қолган омилларнинг таъсир даражаси мамлакат миқёси ва тармоқнинг юқори ёки паст технологиклигидан келиб чиқиб, турлича аҳамият касб этди. Шунингдек, тадқиқотларга кўра, тўғридан-тўғри инвестициялар юқори технологик тармоқларга сармояларга қараганда икки марта самаралироқдир. Айни вақтда жисмоний капиталга қўйилмалар билан бир вақтда, паст технологияли тармоқлардаги тадқиқотларга бевосита бўлмаган инвестициялар катта аҳамият касб этди. Бунда йирик мамлакатлар тармоқларининг рақобатбардошлиги, асосан, мамлакат ичкарасидаги тадқиқотларга, кичик мамлакатларда эса чет элдан олинган инновацияларга боғлиқ. Бироқ тадқиқотлар ва ривожланишга инвестициялар мамлакат кўлаמידан қатъий назар, нафақат юқори технологияли тармоқлар, балки барча тармоқлар учун ҳам жисмоний капиталга инвестицияларга қараганда самаралироқ бўлди. Бундан ташқари, технологик жиҳатдан қолоқ секторларга ихтисослашув мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши мумкин<sup>2</sup>.

Бизнинг мамлакатимизда тадқиқотлар ва ривожланишга инвестицияларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Рақобатбардошлилик муаммосига илмий ёндашув унга мос назарий-услубий ечимни, аниқроғи эса Ўзбекистон миллий сиёсатига

мос устуворликлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги асосий йўналишларни танлашни кўзда тутди. Мамлакат ташқи иқтисодий сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқишда мамлакат фуқаролари ва корхоналарига мурожаат қиладиган асосий миллий стратегия белгиловчи ҳисобланиши зарур. Бу стратегияда миллий иқтисодиёт субъектлари учун муҳим бўлган келажак хўжалик ва мамлакат ижтимоий соҳасига зид бўлмаган фаолият йўналишлари шакллантирилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармониға кўра, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда барқарор ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Мазкур Стратегия доирасида Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг асосий мақсади қулай атроф-муҳитни сақлаш ҳамда ҳозирги ва келажак авлоднинг эҳтиёжларини қондириш учун табиий-ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш таъминланади<sup>3</sup>.

Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланилган тамойиллар Рио-де-Жанейродаги халқаро конференцияда қабул қилинган XXI аср кун тартибида мустақамлаб қўйилган барқарор ривожланиш асосий тамойилларига мувофиқ келади. Мазкур халқаро ҳужжат экологик, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ягона сиёсатға интеграциялашнинг 27 тамойилидан иборат<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан, иқтисодий тизимнинг тадбиркорлик институти сифатида асосий унсурға тегишли ислохотларнинг институционал

<sup>1</sup> Wolf E. International Business: Environments and Operations. Addison-Wesley Publishing Company, Inc., 1994. -P. 113.

<sup>2</sup> Fagerberg J. Technology and competitiveness. // Oxford Review of Economic Policy. 1996. Vol 12. N 3. P. 39-51.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.

<sup>4</sup> Повестка дня на XXI век и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро в популярном изложении. – М.: «За наше общее будущее», 1993. –С. 45.

йўналтирилганлигини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Кичик тадбиркорлик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларига, хусусан, тадбиркорликни амалга ошириш самардорлигини ошириш ва уни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини янада ривожлантириш киради<sup>1</sup>.

Миллий рақобатбардошлик – бу мамлакатнинг ички ва ташқи бозорларда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда шу асосда аҳоли юқори даромадлари даражасини таъминлашга лаёқатлигидир. Ўзбекистон Республикаси глобаллашув жараёнларида фаол қатнашган тарзда миллий даражада унинг салбий оқибатларини камайтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг асосий рақобат устунликларига, хусусан, қуйидагилар киради: қулай иқтисодий-географик жойлашуви; катта ер, сув ва бошқа табиий ресурслар, қатор фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги; қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тажрибаси, кўп тармоқли саноат комплекси; аҳолининг юқори умумий таълим даражаси ва б.

Ўзбекистоннинг рақобат устунликларини яратиш ва улардан энг кўп фойдаланишни, унинг рақобатбардошлиги даражасини оширишни таъминлайдиган ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирлари ва механизмлари тизimini ишлаб чиқиш иқтисодиётни таркибий ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва устуворликлари ҳисобланади. Умуман, Ўзбекистонда рақобат устунликларини амалга ошириш, хусусан, қуйидаги омиллар билан тўхтаб турибди: инновацион инфратузилманинг ривожланмаганлиги; бозор шароитида ишлаш имконини берадиган менежмент тизимининг сустлиги, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг паст даражадалиги; товарлар ва хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ички бозорида ривожланган рақобат муҳитининг мавжудмаслиги.

Ушбу мақсад ўтиш даври институтларини замонавий бозор иқтисодиёти талабларига ва жаҳон тенденцияларига жавоб берадиган инсти-

тутларга айлантириш ва ривожлантириш жараёнлари орқали амалга оширилмоқда. Ўрганилаётган соҳада иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва таркибий қайта қуришларнинг устувор вазифаларидан бири, хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини шакллантириш ҳисобига корхоналар фаолияти трансакцион харажатларини пасайтириш ҳисобланади.

2017 йилга мўлжалланган Дастурнинг босқичлари бозор муносабатларини кенгайтириш босқичлари, рақобатбардошлиликни ошириш ва таркибий ислохотлар учун ҳамда иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик ва ҳудудий тузилмаларидаги бозор талабларига мос радикал ўзгаришларни ўз ичига оладиган иқтисодиётни фаол таркибий қайта қуриш учун институционал муҳитни яратишни ўз ичига олади. Бунда ташқи бозорларга йўналтирилган инновацион ва инвестицион фаолиятни фаоллаштириш ҳамда янги фан сиғимли тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни яратиш республика иқтисодиётини таркибий қайта қуришда алоҳида ўрин тутди ҳамда мамлакат рақобатбардошлигининг ўсишига ёрдам беради.

Рақобатбардошлиликни ошириш соҳасида рационал йўналишлар ишлаб чиқилди ва танлаб олинди. Хусусан, ривожланган илмий-техник салоҳият каби бундай рақобатдаги устунликни янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш ҳамда янги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича комплекс илмий-ишлаб чиқариш марказларини яратиш воситасида кенгайтириш режалаштирилмоқда. Мазкур йўналиш фан ва инновацияларни, кичик инновацион тадбиркорликни бюджет орқали қўллаб-қувватлашни мужассамлаштиради. Ушбу устунликни ҳисобга олиб, жаҳон бозорига чиқишни таъминлайдиган ва қўшилган қийматдаги улушининг ўсишини белгилайдиган техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқаришларнинг ривожланишига таркибий қайта қуришнинг устуворликлари берилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ташқи иқтисодий соҳалардаги рақобатбардошлигини ошириш ва таркибий қайта қуришнинг қуйидаги стратегик устуворликларини ажратиш мумкин:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.

– ташқи савдодан иқтисодий фойда ва пухта белгиланган минтақавий-мамлакат йўналиши борасида мақсадли режалар тузиш;

– янги халқаро бозорларга чиқиш ва анъанавий бозорларда экспорт таркибини диверсификациялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш усулларини халқаро амалиётга мувофиқ, протекционистик тадбирлардан фойдаланиб, УСТ тамойиллари ва механизмлари тизимига ўтказиш;

– жаҳон бозорида фаолият кўрсатиш шароитларини таъминлаш ва давлат манфаатларини муҳофазалаш;

– ресурс, энергия ва материал сиғимкорлиги пасайишини рағбатлантириш;

– рационал импорт ўрнини босиш йўли билан ишлаб чиқарилган маҳсулотда маҳаллий қўшилган қиймат улушини ошириш;

– экспорт салоҳияти рақобатбардошлигини ошириш учун ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва самарали фойдаланиш механизмлари, ҳуқуқий шароитларини яхшилаш.

Шундай қилиб, ташқи иқтисодий фаолият макроиқтисодий шароитларини такомиллаштириш миллий корхоналаримиз самарадорлигини ва республика товарлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқ бўлади.

Ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари халқаро рақобатбардошлигини ошириш қўйидагилар ҳисобига таъминланиши мумкин:

– корхоналар томонидан юқори ривожланган мамлакатлардан янги технологиялар ва «ноу-хау»ларни харид қилишда валюта тушумларининг ўсишидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

– технологияларни модернизация қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқариш энергия ва материал сиғимкорлигини пасайтириш;

– етакчи жаҳон фирмалари билан корпоратив алоқаларни ҳамда трансмиллий лойиҳаларни амалга оширишда уларнинг иштирокини ривожлантириш;

– маҳаллий транспорт-экспедиция хизматларининг халқаро транспорт тизими бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш;

– халқаро ташкилотлар тамойилларига мувофиқ, ташқи савдодаги тартиботлар, шу жумладан, чегаравий рухсат бериш пунктларида юкларни божхона расмийлаштируви ва маълумотлар билан электрон айирбошлаш тартибини соддалаштириш;

– самарали мулкдорларни излаш йўли билан корхоналарнинг бошқарилиш сифатини яхшилаш;

– корхоналарда ИСО 9000–9002 халқаро стандартлари негизда сифатни бошқариш тизimini яратиш йўли билан республика экспорт қилаётган маҳсулотларининг халқаро бозорларга кириб бориши осонлаштирилишини таъминлаш;

– жаҳонда тан олинган экспорт маҳсулотлар сифатини сертификатлаштириш, унинг истеъмолчилик ва экологик хусусиятларига талабларни ўрнатиш ҳамда қўллаш хавфсизлиги тизимини ривожлантириш;

– ИСО 14000 халқаро стандартлари негиздаги ишлаб чиқаришлар ва маҳсулотларни экологик сертификатлаштириш соҳасида давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– экспортни қўллаб-қувватлаш фонди, Инновацион фонд ва бошқалар маблағлари ҳисобига илғор техник ғоялар ва қарорлар, фан сиғимли, энергия ва ресурс тежамкор технологиялардан, жумладан, лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш доирасида фойдаланиб, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

– корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва фан сиғимкорлиги ҳамда технологик даражасини ошириш мақсадида инновацион механизмларни ишлаб чиқиш ва илмий-техник сиёсат олиб бориш;

– миллий ишланмаларни патентлаштиришни амалга ошириш асосида экспортга етказиб берилаётган объектларнинг техник қарорлари ва патент софлигини ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш устувор йўналишларини назарий тадқиқ этиш натижаларининг таҳлили хусусий секторнинг ЯИМдаги ва янги иш ўринларини яратишдаги улушининг ўсиши; инновацияларни жорий этиш; бозорда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва истеъмолчиларни муҳофаза қилишга қаратилган

сиёсатни ишлаб чиқиш; бозор йўналишидаги институционал тизимни ривожлантириш (қонунчилик ва ижтимоий институтлар); корхоналарни бошқариш ва ташкил қилишни яхшилаш; айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат унумдорлигини ўстириш; корхоналарга капиталнинг, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий ва ички инвестицияларнинг оқиб кириши; ички ва ташқи бозорларни кенгайтириш Ўзбекистон рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омиллари эканлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Ҳозирги шароитда рақобатбардошлилик нафақат макроиқтисодий омилларни, балки ишчи кучи сифати, унинг инновацияларни амалда жорий этиш лаёқатини ҳам ҳисобга олади. Таълимнинг юқори даражаси – миллий иқтисодиётнинг муҳим двигатели бўлиб, ундан бошқа омиллар билан бир қаторда, республика иқтисодиётини инновацион йўлга ўтказиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.
2. Говорова, Н. Конкурентоспособность — основной фактор развития современной экономики. // «Проблемы теории и практики управления», 2006, № 4. -С. 24-29.
3. Долгов С. И. Глобализация экономики: новое слово или новое явление? – М.: «Экономика», 1998. –С. 234.
4. Крылович И. Взвешивая риски. // «Белорус. рынок», 2003, № 36. -С. 32-36.
5. Повестка дня на XXI век и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро в популярном изложении. – М.: «За наше общее будущее», 1993. –С. 45.
6. Портер М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. – М.: «Эксмо», 2005.
7. Программа структурной перестройки и повышения конкурентоспособности экономики. – Минск: «Амалфея», 2003.
8. Устремленность в будущее. Беларусь 1995-2005. Цифры и факты. – Минск: Мин-во статистики и анализа Республика Беларусь, 2006.
9. Черченко Н.В. Этапы формирования конкурентоспособности национальной экономики. // Вестник БГУ, сер. 3, 2005, № 3. -С. 72-75.
10. Fagerberg, J. Technology, Growth and Unemployment across European Regions / J. Fagerberg, B. Verspagen, M. Caniëls // Regional Studies. 1997. Vol. 31. N 5. P. 457-466.
11. Fagerberg, J. Technology and competitiveness // Oxford Review of Economic Policy. 1996. Vol 12. N 3. P. 39-51.
12. Fischer, B. Globalization and the Competitiveness of Regional Blocks in Comparative. Hamburg: Perspective, 1998.
13. Gill, S. Globalization, Democratization and Multilateralism. New York: Macmillan, 1997.
14. Kindleberger, Ch. Foreign Trade and the National Economy. Yale: Prosp. of science, 1962.
15. Smith, V. An Experimental Study of Competitive Market Behavior. // Journal of Political Economy. 1962. Vol. 70. P. 34-36.
16. Tobin, J. Policies for prosperity: Essays in a Keynesian mode. New Haven: Waypoint, 1987.
17. Wolf, E. International Business: Environments and Operations. Addison-Wesley Publishing Company, Inc., 1994.